

ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ — АМАЛДА

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — СИФАТЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДИР!



Ғанишер РАХИМОВ

ректор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Мамлакатимизда олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон андозаларига мос тарзда ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётгани Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамиятга эга. Бунда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кўра ортиши, табиий албатта. Шундай бир қизгин паллада хорижий тилларни ўргатувчи мутахассислар тайёрлайдиган таянч олий таълим муассасаси ҳисобланмиш Ўзбекистон давлат жаҳон университети зиммасига жиддий масъулият тушади. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолияти ҳукумат миқёсида қайтадан кўриб чиқилишининг замирида ҳам асосий эътибор хорижий тилларни ўргатиш бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги “Чет тилларни ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сон ҳамда 2013 йил 23 майдаги “Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1971-сон қарорларининг бевосита университет фаолиятига тааллуқли эканлиги бу масаланинг қанчалик жиддий аҳамият касб этишидан далолат беради. Сўнгги йилларда ана шу муҳим қарорларни амалга тадбиқ этиш юзасидан университетда қатор ишлар бажарилди. Жумладан, ушбу қарорлар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 13 августдаги 222-сон қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ университетда кенг камровли қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Умумий майдони **90 000** минг кв.км. (**9 гектар**)ни

ташқил этган университет ҳудудининг асосий қисми қайта қурилиб, реконструкция қилинди. Маъмурият учун ва **2200** ўринга мўлжалланган ўқув биноси янгидан қурилди. **1000** ўринли қувватига эга Инглиз тили 3-факультети, университет АРМ биноси, **1000** ўринли таржима назарияси ва амалиёти факультети тўлиқ реконструкция қилинди. Бундан ташқари университет спорт мажмуаси (спорт зали) таъмирланди, чет эллик ўқитувчилар учун **20** ўринли меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги қурилган ва капитал таъмирланган ўқув бинолари замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланди. Биргина 2016-2017 ўқув йилида университет учун **706** та компьютер сотиб олинди, **80** дан ортиқ ўқув хоналари замонавий талаблар бўйича проектор ва асбоб-ускуналар билан таъминланди, интерактив мультимедиа синфлари яратилди. Шунингдек, ўқув бинолари ва хоналарига дарс жараёни учун зарур бўлган электрон доскадан тортиб, техник қурилмаларгача ўрнатилди. Бундан ташқари, барча хоналарда интернет тармоғидан эркин фойдаланиш учун имконият вужудга келди. Эндиликда университет ҳудуди ва барча биноларни назорат қилиш имконияти ҳам мавжуд. Университетнинг ташқи қиёфаси тубдан ўзгариб, ривожланган хорижий давлатлар таълим муассасаларидан қолишмайдиган, балки улар ҳавас қилса арзигулик кампусга айланди.

Жаҳон стандартларига мос тарзда янгидан барпо этилган мазкур таълим муассасасида ўтган ўқув йилида жами **6805** нафар (**6553** нафар бакалавр ва **252** нафар магиструра босқичида) талаба янги бинолар ва яратилган замонавий шароитларда таҳсил олди. 2016-2017 ўқув йилида **1415** нафар абитуриент талабаликка, шундан: **392** киши давлат гранти, **1023** нафари тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди. Магистратурага **86** нафар, шундан: **23** киши давлат гранти, **63** нафари тўлов-контракт асосида талаба магистратура мутахассисликларига қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда университет таркибида **7 та факультет, 29 та мутахассислик ва факультетлараро кафедралар, таълимнинг 5 та йўналиши** (бакалавриатура) – хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили), она тили ва адабиёти (рус тили ва адабиёти ўзга тилли гуруҳларда), филология ва тилларни ўқитиш: инглиз, немис, француз, испан, рус, хитой, япон тиллари; таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича), журналистика (фаолият турлари бўйича) ва магистратура босқичида **6 та йўналиши** – хорижий тил ва адабиёти (инглиз тили), адабиётшунослик (инглиз адабиёти), лингвистика (тиллар бўйича: инглиз, француз, немис, рус, хитой), қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича), журналистика (фаолият турлари бўйича), спорт журналистикаси бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Уларга **601** нафар профессор-ўқитувчи, шулардан **29** нафар фан доктори, **81** нафар фан номзодлари таълим бермоқда.

Ўтган ўқув йилида таълим мазмунига ҳам жиддий эътибор қаратилиб, хорижий тилларни ўқитиш бўйича ДТС, ўқув режалар, фан дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Таълим жараёнига хорижий тажрибаларни жорий этиш, ўқитиладиган фанлар мазмунига уларнинг илғор жиҳатларини кенг тадбиқ қилиш ва натижада талабаларнинг билимини чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш” (CEFR) тизими бўйича баҳолашнинг йўриқномаси ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Жорий ўқув йилидан **5** нафар профессор-ўқитувчи номутахассислик фанларини инглиз тилида ўқита бошлади. Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази Тошкентдаги Британия Кенгаши билан ҳамкорликда чет тиллари бўйича мутахассис тайёрловчи такомиллаштирилган ўқув дастури (PRESETT) асосида бакалавр йўналишининг мутахассислик блокада 1-4 курс талабаларининг **21** та модуль бўйича билим олишларини назорат қилиб бормоқда. Бу борада Буюк Британиянинг Кембридж университети Имтиҳонлар департаменти билан ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандуми имзоланган ва келгусидаги фаолият йўналишлари келишиб олинган.

Табиийки, бу ишларни ташкил қилиш учун хорижлик мутахассислар томонидан яратилган ўқув адабиётларини ўзлаштириш кутилган самарани беради. Уларни ўқув жараёнида қўллаш, хорижий адабиётлардан фойдаланган ҳолда ўқув-услубий мажмуалар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга тил ўрганишда Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ўзида ифода этган маҳаллий ўқув адабиётлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети хорижий тилларни ўқитиш бўйича таянч олий таълим муассасаси сифатида фан дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга асосий масъул ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олиб, 2016 йилда университет профессор-ўқитувчилари хорижий мутахассислар билан ҳамкорликда “Becoming a Teacher” ва “Being a Teacher” (Trainers Guidebook. Trainers Course book) номли 2 та ўқув қўлланма яратдилар. Олий таълим муассасаларининг хорижий тилга ихтисослашмаган магистратура босқичи талабалари учун “Scale up” китобининг давоми сифатида “Up Scale” ҳамда магистратуранинг лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги талабалари учун “Text Linguistics” номли дарсликлар яратилди. Жорий ўқув йилида

профессор-ўқитувчилар томонидан **4** та дарслик ва **10** та ўқув қўлланмалар нашр этилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015-2016 йилларга мўлжалланган ИОТ-2015-1-22 “Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш” мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида француз тилида мавзулаштирилган “J’ai bien écouté...” номли аудиоматериаллар ва иловалар тўплами мультимедиа ресурси яратилиб, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги “Intellect Ekspert” давлат унитар корхонасининг №000255 рақамли гувоҳномасини олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон қарорини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 17 декабрдаги 331-сонли қарорига мувофиқ ЎзДЖТУ ҳузурида Чет тилларни ўқитишнинг инновацион методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази ташкил этилиб, университет билан ҳамкорликда олий таълим тизими бўйича **4** та асосий йўналишда:

– Ўқув режалари ва дастурларини такомиллаштириш (Curriculum Development);

– дарсликлар, ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш ва янгиларини яратиш (Materials Design);

– олий таълим муассасалари педагог-кадрларининг малакасини, салоҳиятини ошириш (Teacher Training);

– чет тиллар бўйича ОТМлари талабаларини билим ва кўникмаларини баҳолашнинг янги тизимини шакллантириш (Assessment) иш олиб боради.

Мазкур қарор асосида умумтаълим мактабларида 1-синфдан бошлаб инглиз тили ўқитилиши йўлга қўйилгани боис, марказ ва университет профессор-ўқитувчилари томонидан 1-4-синфларга мўлжалланган чет тили бўйича янги дарсликлар яратилди.

Республика умумтаълим мактаблари учун “Fly High” ва “Kids’ English” дарсликларининг мультимедиа электрон ресурсига аудио-видео материаллар яратилди, тажриба-синовдан ўтказилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

“Болалар учун чет тили” мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич синфларда чет тилидан дарс бераётган ўқитувчилар учун яратилган методик тавсиялар учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинди.

2013 йилдан бошлаб университет хузурида “Ўзбекистонда хорижий тиллар” – “FLEDU.UZ” номли илмий-методик электрон журнал ва Интернет портали фаолият олиб бормоқда. 2016 йилдан унинг фаолияти доирасида чет тилларни ўрганувчилар учун онлайн, жонли видеодарслар www.lessons.fledu.uz сайти ишга тушди. Бундан ташқари университетнинг <http://www.uzswlu.uz> сайтида информацион ресурслар, хизмат турлари, даврий нашрлар, университетдаги мавжуд фанлар бўйича мультимедиа дарсликлари, илмий ишлар лойиҳалари, инновацион ишланмалар ҳақидаги маълумотлар киритилган саҳифалар ўрин олган.

Университетда таълим жараёнининг қай даражада йўлга қўйилганлиги эришилган натижалар асосида баҳоланади. Шу маънода университет талабалари фан олимпиадалари, турли халқаро ва миллий танловларда муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритаётганини ҳам қайд этмоқ зарур. Жумладан, ўтган ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига халқаро журналистика факультети 4-курс талабаси Моҳларойим Қаюмова, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендиясига инглиз тили 2-факультети 3-курс талабаси Дилбархон Холжигитова, таржима назарияси ва амалиёти факультети (хитой филологияси) 4-курс талабаси Муштарий Яшнабекова, инглиз тили 3-факультети 4-курс талабаси Малика Минаваровалар сазовор бўлдилар. Республика фан олимпиадасида 2 нафар талаба фахрли 2-ўринни эгаллади. Университет талаба-қизларидан **15** нафари “Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндори. Шунингдек, жорий ўқув йилида **8** нафар талаба-қизлар мазкур давлат мукофотининг шаҳар, туман ва вилоят босқичларида қатнашиб, **3** нафари Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

“Ўзбекистонда хорижий тиллар” номли электрон журнал ва Интернет портали ташаббуси билан университет томонидан 2016 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишлаб республика миқёсида “*My First President*” номли инглиз тилидаги иншолар танлови ўтказилди. Натижаларига кўра, ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчиларидан ташкил этилган Таҳрир ҳайъати томонидан энг яхши, деб баҳоланган **38** та иншо “*My First President*” деб номланган тўпламга киритилди ва нашр этилди. Ҳозирда унинг тақдимотини ўтказиш устида иш олиб борилмоқда.

Университетда хорижий тилларни ўргатишга бўлган эътибор хорижий давлатларнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода ҳозирги пайтда

университет **20** та хорижий давлатларнинг (АҚШ, Англия, Австрия, Германия, Франция, Испания, Италия, Греция, Бельгия, Россия, Руминия, Азарбайжон, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, Миср Араб Республикаси, Индонезия ва ҳ.к.) 40 дан ортиқ олий таълим муассасалари ҳамда Тошкентда фаолият олиб бораётган 26 та халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Мазкур ҳамкорлик доирасида 2016 йил давомида **37** нафар профессор-ўқитувчилар хорижий сафарда бўлдилар. Улардан **3** нафари халқаро конференцияда, **5** нафари малака оширишга, **4** нафари илмий тадқиқот олиб боришга ва **25** нафари халқаро илмий лойиҳаларда иштирок этди. Бундан ташқари стажировка ўташ ва тил кўникмаларини ошириш мақсадида **61** киши хорижий ОТМ ва илмий-тадқиқот муассасаларига юборилди. Шу билан бирга ўтган ўқув йилида **26** нафар чет эллик мутахассис хорижий (инглиз, француз, немис, испан, итальян, япон, хитой, корейс, малай, индонез, араб) тиллари бўйича талабаларга дарс ўтиш ҳамда **25** нафар мутахассис университетда амалга оширилаётган Ерасмус+ лойиҳалари доирасида бўлиб ўтган семинар-тренингларда маъруза ўқиш учун таклиф қилинди. Ўқув машғулотларини олиб бориш учун хорижлик мутахассислардан Ди Бротон, Кристин Сمارт, Александр Баррет, Ребекка Мартин (АҚШ), Кембридж университети профессори Клэр Баренс (Буюк Британия), Виллауме Фредерикие (Франция)лар ўқув жараёнларига жалб қилинди. Шунингдек, хорижий давлатлардан **49** нафар талаба ва **4** нафар тадқиқотчи ва **60** нафар тингловчилар йўналишлари бўйича университетда таҳсил олдилар.

Етакчи хорижий ОТМ ва ўқув марказларининг мутахассис ва халқаро экспертлари (инглиз, француз ва немис тиллари кесимида) билан ҳамкорликда **12** та илмий семинар-тренинг ва **3** та халқаро илмий амалий конференция ташкил этилди.

АҚШ элчихонаси, Буюк Британия ва Европа Иттифоқининг халқаро лойиҳалари доирасида **245.186,4** АҚШ доллари, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган элчихоналар томонидан университет Ахборот-ресурс марказига совға тариқасида тақдим қилинган китоб ва дарсликлар учун **47.000** АҚШ доллари, хорижий мутахассисларни таклиф қилиш бўйича **350.000** АҚШ доллари ва хорижий мамлакатлар томонидан ажратилган грантлар асосида **6** нафар профессор-ўқитувчи ҳамда **50** нафар талаба хорижий давлатлар университетларида ўқиш, малака ошириш ва турли анжуман ва лойиҳаларда иштирок этишлари учун **236.200** АҚШ доллар миқдоридagi маблағ жалб қилинди. Ўтган ўқув йилида умумий жалб қилинган инвестиция миқдори: **877,435,2** АҚШ долларини ташкил этди.

Бундан ташқари, университетда Давлат илмий-техника дастурлари доирасида 2016 йилда 2 та инновацион, 3 та амалий лойиҳалар устида иш олиб борилди. Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга 2016 йил учун **80512,0** сўм, амалий лойиҳаларга **130231,0** маблағ ажратилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш даврининг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиди ҳам талайгина ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда ЎзДЖТУда 5 нафар тадқиқотчи: Г.Халлиева, Х.Палуанова, Д.Джуманова (илмий маслаҳатчиси – филология фанлари доктори, профессор Г.Х.Боқиева) докторлик диссертациясини, О.Ахмедов, А.Насиров (илмий маслаҳатчиси – филология фанлари доктори, профессор А.Э.Маматов) PhD бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирда 51 нафар илмий-тадқиқотчидан 29 нафарининг иши ҳимоя босқичига тайёр ҳолга келтирилган.

Таълим жараёнини ўқув адабиётларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунда Ахборот-ресурс марказлари фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон андозалари асосида қайта реконструкция қилинган университет Ахборот-ресурс маркази талабаларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланган. Ҳозирги пайтда бу ерда мавжуд босма ва электрон ресурслардан талабалар унумли фойдаланмоқдалар. АРМнинг умумий фонди **5 890424** донадан ортиқ адабиётни ўз ичига олиб, унинг **281778** таси ўқув адабиётлари, **4976** мингдан ортиғи эса электрон адабиётларни ташкил этади. Шунингдек, **33536** дона илмий фондга тегишли манбалар мавжуд. Инглиз тилидаги чет эл ўқув адабиётлари фонди **127874** тани ташкил этади. АРМ иккита: IRBIS ва KARMAТ дастурларида ишлайди. Ахборот-ресурс марказининг барча фонди ана шу дастурларга киритилган. АРМ фондида **3036** нусха докторлик диссертацияси ва авторефератлар ҳам мавжуд. Ziyonet таълим порталига ЎзДЖТУ профессор-ўқитувчилари томонидан яратилган илмий ишлар киритилган.

ЎзДЖТУда 4 та талабалар турар жойи фаолият кўрсатмоқда. Жами яшаш хоналари **1180** нафар талабага мўлжалланган. Ҳозирги кунда 2 та ётоқхона тўлиқ таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Талабалар турар жойи замон талабига тўлиқ жавоб беради. Бу ерда талабаларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш бўйича профессор-ўқитувчилар, гуруҳ мураббийлари томонидан турли маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, спорт мусобоқалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Университет қошидаги Республика тил ўқитиш маркази кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб келади. Бу ерда 2016 йилнинг ўзида **200** нафардан ортиқ тингловчи, хусусан, **60** нафар чет эллик мутахассислар инглиз, рус, ўзбек, араб, испан тиллари бўйича таълим олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги Фармонида биноан 27 августда “Ўзбекистон Мустақиллигининг 25 йил эсталик Нишони” билан университетнинг **10** нафар профессор-ўқитувчилари тақдирланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ташаббуси билан 1992 йил 12 майдаги ПФ-401-сон Фармон асосида Республика рус тили ва адабиёти ҳамда Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтлари базасида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети асос солинган эди. Шунга ҳам 25 йил бўлибди. Тарих учун кичкина муддат бўлган бу даврда мазкур университет мамлакатга хорижий тилларни ўргатувчи мутахассисларни тайёрлаб беришда салмоқли ҳисса қўшди. И.Каримовнинг бошлаган ишини амалдаги Президент Ш.Мирзиёев давом эттириб, малакали мутахассислар тайёрлаш ОТМ педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражасини уларнинг махсус билимлари асосида ривожлантиришга алоҳида урғу бермоқда.

Дарҳақиқат, бугун давр ўзгарди. Етишиб чиқаётган мутахассисларга нисбатан қўйилаётган талаблар ўзгарди. Эндиликда олий таълим соҳасидаги асосий эътибор ёшларимизнинг чуқур билимга эга бўлишлари, чет тиллари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашларига қаратилишини кўзда тутди. Бу борада мамлакатда таълим ва тарбия, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спортни ривожлантириш масалалари, қадриятларни шакллантириш жараёнларига университет жамоасининг ҳам фаол иштирок этиши устувор вазифалардан бўлиб қолади.

Фурсатдан фойдаланиб бутун жамоани, профессор-ўқитувчилар, шу таълим муассасасини тамомлаб мамлакатимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизни қадрдон университетимиз ташкил этилганлигининг 25 йиллиги билан самимий муборакбод этаман. Уларга ҳаминша таълим-тарбия беришдек машаққатли, шу билан бирга шарафли фаолиятларининг ижобий самарасини кўриб, бундан гурурланиб юришларини тилайман.